

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби директорининг  
2019 йил \_\_ январдаги \_\_-сонли буйруғи  
билан тасдиқланган

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактабининг  
Ахборот-техникавий таъминот ва масофавий ўқитиш бўлими  
НИЗОМИ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг (кейинги ўринларда Олий мактаб деб юритилади) Ахборот-техникавий таъминот ва масофавий ўқитиш бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб юритилади) Олий мактабнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим Олий мактаб фаолияти ва ўқув жараёнида янги ахборот технологияларини қўллаш ва уни такомиллаштириб бориш, судьялар ва суд аппарати ходимларининг касбий билимларини ва малакаларини оширишда онлайн (видеомарузалар, суд мажлислари, маҳорат дарслари, назорат турларини масофадан туриб реал вақт режимида ўтказиш ва ҳ.к.) ва оффлайн (масофавий таълим тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) шаклда масофадан ўқитиш усулларини шакллантириш ва қўллаш ишларини амалга оширади.

3. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва қонун ости ҳужжатларига, Судьялар олий кенгаши қарорларига, Олий мактаб устави, Олий мактаб Кенгаши қарорлари, Олий мактаб директори буйруқлари ва фармойишларига ҳамда мазкур низомга мувофиқ олиб боради.

4. Бўлим ўз фаолиятини Олий мактаб директори раҳбарлигида амалга оширади ҳамда унга бўйсунди.

**II. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари**

5. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Олий мактаб фаолиятига ва ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий қилиш ва уни доимий бойитиб бориш;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судья ва суд аппарати ходимлари малакаларини ошириш йўналиши бўйича дастлабки билим, кўникма ва малакасининг шакллانганлик даражасини аниқлаш учун онлайн шаклда тест синовларини ўтказишни таъминлаш;

янги ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш бўйича электрон илмий, услубий қўлланмалар ва дарсликларни яратишда амалий ёрдамлар кўрсатиш ҳамда уларни Интернет - халқаро ахборот тизимлари бўйича тарқатишни йўлга қўйиш;

Олий мактаб ходимларини ва тингловчиларни компьютер ва ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида курслар ташкил этиш;

Олий мактаб ходимлари ва тингловчилар учун компьютер ва ахборот технологиялари манбаларидан, Интернет - халқаро ахборот тизимларидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш;

ўқув жараёнида компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланишда техник хизмат кўрсатиш;

амалиёт ва ўқув жараёнларини мультимедия ва компьютер тизимлари орқали инновацион ва виртуал лаборатория дастурлар таъминотини яратиш ишларида амалий ёрдам кўрсатиш ва уни ташкил қилиш;

Олий мактаб фаолияти билан боғлиқ турли хил дастурлар яратиш ва уларни тадбиқ этиш;

компьютер тармоғини ташкил қилиш;

ахборот узатиш ва қабул қилиш воситаларидан (Интернет, электрон почта, модем алоқа ва бошқалар) фойдаланиш ишларини амалга ошириш;

ахборот технологиялари бўйича Республика ва хорижий ўқув муассасалари ва илмий текшириш марказлари билан ҳамкорликда илмий изланиш ишларини олиб бориш, интернетдан фойдаланиб хорижий давлат олий ўқув юртлири билан алоқа ўрнатишни йўлга қўйиш;

ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишни компьютерлаштириш ва ягона ахборот маконини яратиш, машғулотлар ўтказиш сифатини марказлашган ҳолда масофадан назорат қилишни амалга ошириш;

ахборот технологиялари учун зарур бўлган техник восита ва жиҳозларни замон талаблари асосида янгилаб туриш чораларини кўриш;

ахборотлар базасини яратиш ва уларни доимий маълумотлар билан янгилаб бориш;

Олий мактабдаги барча кафедралар ва бўлимларни умумий тармоққа бирлаштиришни амалга ошириш;

Олий мактабнинг расмий веб-сайти (веб-саҳифаси)ни яратиш ва уни доимий янги маълумотлар билан янгилаб бориш;

ахборот жараёнлари ва масофавий таълим тизимини ривожлантириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш;

Олий мактаб фаолиятидаги барча компьютер техникаларидан мақсадли, унумли ва тўғри фойдаланилишини назорат қилиб бориш;

электрон вариантдаги дарслик ва қўлланмалардан фойдаланишни таъминлаш;

маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш.

### **III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

6. Бўлим ўзига юклатилган вазифа ва функцияларини бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

ахборот технологияларини қўллаш ва улардан фойдаланиш, масофавий ўқитиш усуларини шакллантиришда тегишли муассаса ва манфаатдор идоралар билан ҳамкорлик қилиш;

зарур ҳолларда бошқа ташкилотларнинг ходимлари ва мутахассисларини жалб этиш;

ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш усулларини қўллаш ҳамда ривожлантириш бўйича тегишли тадбирлар (давра суҳбатлари, семинар, халқаро конференциялар) ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Бўлим Олий мактаб ходимлари ва тингловчиларни замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш, таълим жараёнини халқаро стандартлар асосида, ўқитишнинг замонавий шакллари, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда самарали ташкил этилиши учун жавобгардир.

### **IV. Бўлимнинг таркиби**

8. Бўлим таркибига бўлим бошлиғи ва бош мутахассиси киради.

9. Бўлим фаолиятига бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади ва унга бўлим фаолияти бўйича шахсий масъулият юклатилади.

Бўлим бошлиғи вақтинча бўлмаганда унинг вазифасини белгиланган тартибда бўлимнинг бош мутахассиси бажаради.

10. Бўлим бошлиғи ва бош мутахассиси Олий мактаб директорининг буйруғи билан лавозимларига тайинланади ва лавозимларидан озод қилинади.

## **V. Бўлим фаолиятини ташкил этиш**

11. Бўлим иши Олий мактаб директори ва раҳбариятининг буйруқлари, топшириқлари, мазкур Низом ҳамда Бўлимнинг иш режаси ва дастурлари асосида ташкил этилади.

12. Бўлимнинг режа ва дастурлари судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган талаблар ва намунавий ўқув дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

13. Бўлимнинг алоҳида иш режалари Олий мактаб директорининг Ўқув-методик ишлар бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

## **VI. Яқуний қоидалар**

14. Мазкур Низом талабларини бузган шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин.